

Уламоларнинг илмий суҳбатлари давом этмоқда



20:00 / 14.07.2021 2103

Бугун, 14 июль куни юртимиз уламолари Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар, Қибрай тумани ва Ўрта Чирчиқ туманларига ташриф буюришди. Хусусан, “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ Тошкент вилояти Қибрай тумани “Абдурахмон ибн Авф” жоме масжидига ташриф буюрдилар. Пешин намозидан сўнг жамоатга илмий суҳбатлар, долзарб мавзуларда мавъизалар қилиб бердилар. Суҳбат сўнгида жамоат билан дуолар қилинди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown





Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Нурафшон шаҳридаги “Саъд ибн Абу Ваққос”, Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Имом” масжиди имом-хатиби Ҳабибуллоҳ домла Абдураззоқов Қибрай туманидаги “Тўқай тепа”, пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги “Тўхтабой” масжиди имоми Зокиржон домла Шарифов Ўрта Чирчиқ туманидаги “Абу Ҳурайра” масжидига, Яккасарой туманидаги “Раҳимжон ҳожи ота” масжиди имом-хатиби Баҳромжон Махсудов Ўрта Чирчиқ туманидаги “Ҳазрати Назарали бобо” масжидига, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов Нурафшон шаҳридаги “Исмат ота” жоме масжидига, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов Қибрай туманидаги “Дадамухаммад ҳожи Фирдавс” жоме масжидига, “Мирза

Ғолиб” масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Султонхонов Ўрта Чирчиқ туманидаги “Бобохон ота” масжидига, Ислом цивилизацияси маркази масъул ходими Аброр Мухтор Али домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Нурафшон шахридаги “Тўйтепа”, пойтахтимизнинг Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов Ўрта Чирчиқ туманидаги “Туябўғиз”, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани “Холид ибн Валид” жоме масжиди имоми Исроилжон Исмоилжон ўғли “Саид Муҳаммад Вали” жоме масжидида илмий-маърифий суҳбатлар қилиб бердилар.

Уламоларнинг маърузалари халқимиз маънавиятини юксалтириб, диний савиясини оширишга хизмат қиляпти.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов Чиноз туманидаги “Саидрахмон тўра”, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов “Янги Чиноз”, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор домла Юнусов Оққўрғон туманидаги “Эрбўта қози”, Тошкент шахридаги “Исломобод” масжиди имом-хатиби Абдуллоҳ домла Йўлдошев Қуйи Чирчиқ туманидаги “Янги маҳалла” жоме масжидига, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бош имом-хатиби Эргашали домла Рустамов Қуйи Чирчиқ туманидаги “Дўстлик”, Тошкент шахридаги “Мирза Ғолиб” масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Султонхонов Оққўрғон туманидаги “Жувонмард”, Тошкент шахридаги “Абдуллоҳ ибн Ҳузофа” масжиди имоми Абдулатиф қори “Айри ота”, Тошкент шахридаги “Хасанхон қори” масжиди имом-хатиби Зикруллоҳ домла “Абу Бакр Сиддиқ” масжидларига ташриф буюриб, маърузалар қилиб беришди.

Шу куннинг ўзида Ислом цивилизацияси маркази масъул ходими Аброр Мухтор Али домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Чиноз тумани “Қози” маҳалласида бунёд этилаётган “Қози маҳалла” янги масжид қурилиши жараёнини кўздан кечиришди.

Уламолар уста-қурувчиларга зарур маслаҳат ва тавсиялар беришди.

Янги жоме ўз бағрига 4 минг намозхонни сиғдира олади.

Аллоҳнинг байти тез орада фойдаланишга топширилишини сўраб, хайрли дуолар қилинди.

Уламолар ташрифи, дилдан қилинган суҳбатлар савол-жавобларга уланиб, намозхонларда катта таассурот қолдирди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown

